# Мевали боғларда ва токзорларда зараркунанда ҳамда касалликларга қарши кураш тадбирлари

# Мевали боғлар ва токзорлар зараркунанда ҳамда касалликлари

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити мевали дарахтлар ва ток ўстириш учун энг қулай ҳисобланади. Республикада мева дарахтлардан олма, нок, беҳи, олча, гилос, ўрик, шафтоли кабилар кўплаб экилади. Бироқ боғ ва токзорларни зараркунанда ва касалликлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмайди. Фақат олма куртига қарши кураш олиб борилмаса ҳосилнинг 50 ва ҳатто 70% ини йўқотиш мумкин. Ўзбекистоннинг мевали боғларида 200 дан зиёд зараркунанда ва 50 дан ортиқ касаллик қўзғатувчи замбуруғлар учраши қайд қилинган.

.

Боғ ва токзорларда учрайдиган зараркунандаларнинг айрим турлари - олма, олхўри ва узум мевахўр қуртлари, бинафшаранг, сохта қалқондорлар, мева ўргимчакканалари, нок ширинчаси, нок шира бити, акация соҳта қалқондори, шарқ мева қурти, ғилофли куя йил ва мавсум давомида бир неча марта авлод бериб катта зарар етказади.

Мевали дарахтларнинг касалликларидан тешикчали доғланиш (клястероспориоз), монилиоз (куйдирги касаллиги), ун шудринг, парша (кўтир касаллиги), шафтолининг барг бужмайиши, олхўрининг чўнтакча касалликлари ҳосилнинг сифат ва миқдорига катта зиён етказмоқда.

Токнинг айрим касалликлари, айниқса уншудринг (оидиум, кул касаллиги), антракноз касаллиги, сохта уншудринг (мильдью) касалликлари токзорларга жиддий зарар етказмоқда.

Карантин ҳисобланган айрим зараркунандалар - калифорния қалқондори, қонли бит, тут парвонаси, цитрус оққаноти, паразит ўсимликлар - девпечак ва зарпечаклар йил сайин жуда кўп тарқалиб боғбон ва сохибкорларимизга жуда катта ташвиш туғдирмоқда.

# Мевали боғ зараркунандалари



барг битлари



қон бити



шафтоли бити



қалқондорлар



мева канаси



Ғилофли куя



Олма қурти



Шарқ мева қурти

# Мевали дарахтларини касалликлари



ун шудринг



клястероспориоз



монилиоз



парша (кўтир)



шафтолининг барг бужмайиши



олхўрининг кармашка (чўнтакча) касаллиги

# Токнинг касалликлари



Соҳта уншудринг (Мильдю) Антракноз Уншудринг (кул касаллиги)

# Сабзавот ва полиз экинларининг заракунанда касалликлари

Сабзавот ва полиз экинларида зараркунандаларидан ўсимлик битлари, оққанот, ғовакловчи пашша, занг канаси, тунламлар, колорадо қўнғизи, карам бити, карам оқ капалаги қуртлари, пиёз пашшаси, сабзи пашшаси, сабзавот экинлари касалликларидан помидорнинг фузариоз сўлиш касаллиги, помидорнинг вертициллиоз сўлиш касаллиги, помидорнинг фитофториоз ва қўнғир доғланиш, кулранг чириш касалликлари, помидорнинг вирус касалликлари (тамаки мозайкаси, жуфт стриги) ва бошқа касаллик ва зараркунандалар очиқда ва иссиқхоналарда катта зарар етказмоқда.

Охирги йилларида республикамизда учрамайдиган зарарли ҳашарот ва каналар ҳар хил йўллар билан кириб келмоқда. Бунга мисол қилиб, сабзавот, полиз ва картошка зараркунандаларидан колорада қўнғизи, иссиқхона оққаноти, ғўза оққаноти, ғовакловчи пашшалар, занг канаси, қовун пашшасини, кўрсатиб ўтиш жойиз ундан ташқари қўшни республикалардан америка капалагини ва картошка куясини кириб келиш катта хавфи мавжуд.

# Сабзавот, полиз ва картошка зараркунандалар




карам бити



ўргимчаккана



оққанот



занг кана



ғовакловчи пашша



колорадо қўнғизи

**Қовун пашшаси** 2000- йилдан бошлаб Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятларида учраши аниқланди. Бугунги кунда бу зараркунанда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида учраб қовун ва тарвузга сезиларли зарар етказмоқда.

Тупроқнинг 10-20 см қатламида ғумбак фазасида қишлайди. Пашшалар эртаги қовунлар гуллагандан сўнг уча бошлайдилар.

Республикамиз шароитида 2-3 та авлод бериб ривожланади.







# Сабзавот экинларининг касалликлари



**Помидор фузариоз сўлиш касаллиги**



**Картошка туганаги ва ниҳолларининг *(“қора сон”)* чириш касаллиги**




**Помидорнинг фитофтороз касаллиги**

## Мевали боғлар, токзорлар ҳамда сабзавот экинларида зараркунанда ва касалликларга қарши тадбирлар:

**Агротехник тадбирлар** -эрта бахорда зараркунанда ва касалликлар таъсирида қуриган шох шаббаларни кесиш, шакл бериш, шох шаббаларни айниқса тўкилган барглар ва мева, узум қолдиқларини даладан чиқариб йўқотиш, қатор ораларини шудгорлаш;

-мавсум давомида агротехник тадбирларни, суғориш ишларини белгиланган муддатда ва меъёрларда ўтказилишини таъминлаш, органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва меъёрларида озиқлантириш;

кўмилган токларни ўз муддатида очиш ва кўтариш, хомток қилиш ва чилпиш;

-сабзавот, полиз экинларида белгиланган агротехник тадбирлар комплексини ўз муддат ва меъёрларида амалга ошириш;

**Биологик ҳимоя тадбирлари-** Ҳозирги пайтда мевали боғларда олма қуртининг тухумига қарши тухумхўр паразит трихограмма, барг шираларига қарши олтинкўз, қон битига қарши афелиниус, комсток қуртига қарши псевдофикус паразитлари ҳамда барг кемирувчи қуртларига қарши микробиологик препаратлар қўлланилмоқда. Табиий кушандаларнинг фаолиятини кучайтириш учун боғларнинг ичига нектарга бой ўсимликлар экилади.

Сабзовот ва полиз экинларининг зараркунандаларига қарши биологик усулда курашда уларнинг табиий кушандаларидан энкарзия (оққанотга қарши), олтинкўз (ширалар, каналар, ва трипсга қарши), тухумхўр трихограмма (ер остки ва ер устки тунламлар тухумига қарши), бракон паразити (помидор, карамда тунлам қуртларига қарши ) самарали фойдаланилмоқда.

Биологик усулни иссиқхона ва очиқ майдонлардаги сабзавот экинларида қўллаш экологик тоза махсулот етказиб беришга имкон беради.

**Кимёвий тадбирлар:** мевали боғларда калмараз, клястероспориоз, доғланиш ва бошқа касалликларга қарши эрта баҳорда куртакланиш олдидан 3-4 % ли бордо суюқлиги ёки 1 % ли мис купороси эритмаси, зараркунандаларга қарши минерал–парафинли препаратлар билан ишлов бериш;

Ток оидиум, антракноз касалликларини олдини олиш мақсадида 0,5-$1^0$ ли ООҚ (ИСО) қайнатмаси сепиш ва олтингугурт кукунини чанглатиш, мильдью, антракноз касалликларини олтини олиш учун бордо суюқлиги ёки таркибида мис тутувчи фунгицидлар билан ишлов ўтказиш;

-зараркунандалар, касалликлар кучли тарқалган майдонларда рухсат этилган кимёвий препаратлардан бирини қўллаш.

Мильдю касалига қарши ток кўмилмайдиган жойларда кузда, ток кўмиладиган жойларда токлар очилгандан сўнг 3 % ли бордо суюқлиги билан ишлов бериш;

-куртаклар уйғонгандан сўнг гуллашга қадар 5-7 барг бўлганда ва гуллагандан кейин 1 % ли бордо суюқлиги ёки таркибида мис тутувчи фунгицидлар билан ишлов ўтказиш;

# Мевали боғларда, токзорларда,сабзавот ва картошка экинларида зараркунанда ва касалликларигақўлланиладиган кимёвий воситалар

| Т.р | Препарат номи | Сарф меъёри кг\га ёки л\га | Препарат пуркаладиган экин тури | Зараркунанда ёки касаллик номи | Қўлланиш вақти, усули |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Каратэ 5 % э.к. | 0,4-0,8 | олма | Мевахўрлар, баргўровчи қуртлар , каналар | Ўсимликларни ўсув даврида |
| 2 | КИНМИКС 5% эм.к. (Б) | 0,4 | Ток | Шингил баргўрари | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 0,3 | Олма, олхўри | Ширалар, мевахўрлар, баргўрар қуртлар | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| 3 | ТАЛСТАР 10% эм.к. (Б) | 0,4-0,6 | Олма | Олма мевахўри, баргўрар қуртлар, каналар | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 0,6 | Помидор | Оққанот | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 0,4 | Помидор | Занг кана | Ўсимликнинг ўсув даврида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **4** | КАРБОФОС 50% эм.к. (Б) | 3,0 | Олма | Ширалар, мевахўрлар, қалқондор-лар, барг-ўрар қуртлар, каналар | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 1,2-2,0 | Помидор | Ширалар, каналар, трипслар, оққанот | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| **5** | МАТЧ 5% эм.к. | 1,0 | Олма | Олма мевахўри | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 0,4 | Картошка | Колорадо қўнғизи | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| **6** | ОВИПРОН 2000 КЭ (800 г/л) | 10,0-15,0 | Олма, нок | Қалқондор-лар, сохта қалқондор-лар, ширинчалар, унсимон қуртлар | Ўсимликларни гуллашигача ёки гуллашидан сўнг, ҳаво харорати 7$^{o}$С дан 25$^{o}$С гача бўлган шароитда |
| **7** | АДМИРАЛ, 10% эм.к. | 0,5 | Помидор, бодринг | Оққанот | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 0,5 | Олма | Бинафша- ранг қалқондор | Ўсимликнинг ўсув даврида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 8 | ВЕКТРА 10% сус.к. (100 г/л) | 0,3 | Ток | Оидиум, антракноз | Ўсимлик куртак ёйгунча, гуллаши-гача ва гуллаши-да |
| | | 0,3 | Олма | Ун шудринг, калмараз | Ўсимлик гуллаши-гача ва гуллаши-дан кейин 0,03%-ли суспензия |
| 9 | АКРОБАТ МЦ 690 г/кг, с.э.г. | 2,0 | Картошка | Фитофтороз, альтернариоз | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | | Бодринг, пиёз | пероноспороз | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | | Ток | милдью | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| 10 | ОХАК-ОЛТИН-ГУГУРТ ҚАЙНАТМАСИ, | Боме даражаси ўлчовида 0,5-1,0 | Олма, нок | Калмараз, занг, монилиоз, қора рак, | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | | Олча, олхўри | Барг доғланиши | Ўсимликнинг ўсув даврида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 11 | РИДОМИЛ ГОЛД МЦ<br>68% с.д.г. | 2,5 | Помидор | Фитофтороз | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| | | 2,5 | Ток | Оидиум,<br>антракноз | Ўсимликнинг ўсув даврида |
| 12 | МИС КУПОРОСИ 98% э. кук. | 15,0-20,0 | Олма,<br>нок | Калмараз, филлостиктоз, монилиоз, қовжираш | Дарахтларга куртак ёйишигача |
| | | 10,0-15,0 | Ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, олча | Кластероспо-риоз, коккомикоз, доғланишлар, монилиоз, барг бурмаси | Дарахтларга куртак ёйишигача |